

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
DSc.15/31.12.2020.I.09.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОБИДОВ САРВАРБЕК МУЗАФФАР ЎҒЛИ**

**АВТОМОБИЛЬ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА  
ИННОВАЦИОН БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШ**

**08.00.13 – Менежмент**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on economical sciences**

<b>Обидов Сарварбек Музаффар ўғли</b> Автомобиль саноати корхоналарида инновацион бошқариш самарадорлигини ошириш.....	3
<b>Обидов Сарварбек Музаффар ўғли</b> Повышение эффективности инновационного управления на предприятиях автомобильной промышленности.....	29
<b>Obidov Sarvarbek Muzaffar o'g'li</b> Improving the efficiency of innovative management in the automotive industry.....	55
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	59

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
DSc.15/31.12.2020.I.09.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОБИДОВ САРВАРБЕК МУЗАФФАР ЎҒЛИ**

**АВТОМОБИЛЬ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА  
ИННОВАЦИОН БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ  
ОШИРИШ**

**08.00.13 – Менежмент  
(иқтисодиёт фанлари)**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021 йил**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2018.3.PhD/Iqt777 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tashiit.uz](http://www.tashiit.uz)) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шарифходжаев Усман Улфатович**  
иқтисодиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Саидов Мухаммад Али Хакимович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Гуламов Абдулазиз Абдуллаевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, доцент


**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.15/31.12.2020.I.09.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «19» Июль соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100167, Тошкент шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 1. Тел.: (0371) 299-00-01, факс: (0371) 293-57-54, e-mail: rektorat@tstu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (026 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100167, Тошкент шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси, 1. Тел.: (0371) 299-00-01, факс: (0371) 293-57-54, e-mail: rektorat@tstu.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «05» Июль кuni тарқатилди.  
(2021 йил 05 Июль даги № 1 рақамли реестр баённомаси).



**О.К. Абдурахманов**

Фан доктори илмий даражасини берувчи  
илмий кенгаш раиси, и.ф.д.

**С.А. Юлдашева**

Фан доктори илмий даражасини берувчи  
илмий кенгаш котиби, и.ф.н., доцент

**Б.Х. Тураев**

Фан доктори илмий даражасини берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, и.ф.д.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган глобаллашув, кескин рақобатчилик ва COVID-19 пандемияси кечаётган ҳозирги шароитда дунё автомобиллари бозори 14 фоизгача пасайиб, бу кўрсаткич 2020 йилда дунёнинг автомобиль саноати марказлари бўлган Хитойда 4 фоизни, АҚШда 14,8, Германияда 19,1, Францияда 25,5 ва Италияда 32,3 фоизни ташкил қилди<sup>1</sup>. Бироқ 2021 йилнинг дастлабки чорагида дунё автомобиль бозорида 22 фоизгача ўсиш кузатилиб, 21 млн. автомобиль сотилди<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, автомобиль саноати улуши ривожланган давлатлар ЯИИМда 3 фоиздан ошмасада, АҚШ, Францияда 5 фоизни, Япония ва Германияда 10 фоизни Италия, Испания ва Буюк Британияда 3-3,5 фоизни ташкил қилади. Иқтисодиётда автомобиль саноати мультипликатив самараси сабабли ижтимоий-иқтисодий тараққиётда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли автомобиль саноати корхоналарида барқарор бизнес жараёнларини таъминлаш учун инновацион бошқарув усуллари қўллаш муҳим аҳамият касб этади<sup>3</sup>.

Ўзбекистонда ҳам автомобиль саноати ЯИИМнинг 6,6 фоизини, соҳада 30 минг ва турдош тармоқларда 200 мингдан ортиқ ишчини таъминловчи жадал ривожланаётган иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. 2016-2021 йилларда Ўзбекистонда автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажми 3 баробарга ўсиб, 280 мингга етказилди<sup>4</sup>. Дарҳақиқат, мамлакатимиз Президенти томонидан автомобиль саноатида 2023 йилда йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини 350 минг донагача ва экспорт ҳажмини йилига 100 минг дона ёки 1 млрд. АҚШ долларигача етказиш вазифаси қўйилди<sup>5</sup>. Шунингдек, ўтган беш йилда автомобиллар харид қилишдаги навбатда туришлар, коррупцион ҳолатлар бартараф этилди ва соҳада рақобатни кучайтириш мақсадида GM-Uzbekistan, MAN, GM Power Train Uzbekistan, SamAuto компаниялари билан бирга Германиянинг Volkswagen бренди остида Жиззахда автомобиллар ишлаб чиқарила бошлади.

Ўзбекистон Республикасида автомобиль саноатини жаҳон талаблари асосида ташкил қилиш, ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, самарали саноат сиёсатини амалга ошириш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>6</sup> миллий иқтисодиётда саноат улушини кўпайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш,

<sup>1</sup> [https://www.plastinfo.ru/information/news/46869\\_18.01.2021](https://www.plastinfo.ru/information/news/46869_18.01.2021)

<sup>2</sup> <http://greenway.icnet.ru/cars-sales-actual-world.html>; <https://www.acea.be/>; [http://en.caam.org.cn/China Association of Automotive Manufactures](http://en.caam.org.cn/China%20Association%20of%20Automotive%20Manufactures) (CAAM); JADA;

<sup>3</sup> Қаранг: Ўша жойда

<sup>4</sup> [review.uz/oz/c9c](https://review.uz/oz/c9c)

<sup>5</sup> <https://uzanalytics.com/iqtisodi%D0%B5t/4975/>

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони// [lex.uz](http://lex.uz)



ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бу борада миллий автосаноат соҳасида инновацион жараёнларни “муаммо, келажак талаблари, илмий тадқиқот, илмий-ишлаб чиқариш ва тижоратлаштириш” занжирида ташкил қилиш, ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштириш даражасини ҳудудлар имконияти билан боғлаган ҳолда асослаш ва инновацион салоҳиятни ошириш йўналишларида илмий изланишларни кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2015 йил 4 мартдаги 4707-сон “2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 1 июндаги ПҚ-3028-сон “Автомобиль саноатини жадал ривожлантириш ва бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Автомобилсозлик саноати корхоналарида инновацион жараёнларни ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий ва назарий масалалари биринчи Президентимиз Ислон Каримов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг фундаментал асарларида асослаб берилган.

Иқтисодий тизимларда инновацион жараёнларни бошқаришнинг назарий асослари хорижлик олимлардан П.Друкер, М.Портер, Э.Харгадон, Й.Шумпетер, Ж.Генри, Д.Уолкер, Ф.Вестлей, Х.Минзберг, Л.Бирман, Т.Кочурова, В.Васин, Л.Миндели, Г.Власкин, Е.Ленчук, В.Зино, Т.Лебедева, С.Цыганов ва бошқаларнинг асарлари кенг ёритилган<sup>7</sup>.

Автомобиль саноатида инновацион жараёнларни бошқаришнинг кўпгина назарий ва услубий жиҳатлари И.Глуценко, П.Завлин, С.Ильенкова, А.Медведев, Е.Погребняк, А.Белоусов, Б.Кузнецов, Б.Твисс, А.Тебекин, Р.Фатхутдинов<sup>8</sup> каби чет эллик олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилади.

<sup>7</sup> Друкер Питер Ф. Бизнес и инновации. – М.: Вильямс, 2007.; Харгадон Эндрю. Управление инновациями. Опыт ведущих компаний. How Breakthroughs Happen. The Surprising Truth About How Companies Innovate. – М.: Вильямс, 2007, 304 с; Шумпетер И. Теория экономического развития / И. Шумпетер. – М.: Директ-Медиа, 2007. 400 с.; Henry, J. and Walker, D. Managing Innovation, London: Sage Publications, 1991, 367p.; Westley, F., Mintzberg, H. Visionary leadership and strategic management, Strategic Management Journal, 1995, P. 32.; Бирман Л.А., Кочурова Т.Б Стратегия управления инновационными процессами. – М.: ДЕЛО, 2010 г., -144 с.; Васин В. А., Миндели Л.Э. Государственные структуры в формировании, эволюции и взаимодействии национальных инновационных систем. – М.: ИПРАН РАН, 2009 г., -446 с.; Власкин Г. А., Ленчук Е. Б. Промышленная политика в условиях перехода к инновационной экономике. – М.: Наука, 2006 г., - 246 с.; Зинов В.Г, Лебедева Т.Я., Цыганов С.А. Инновационное развитие компании: управление интеллектуальными ресурсами. Учебное пособие. – М.: ДЕЛО, 2009 г., - 248 с.

<sup>8</sup> Глуценко И.И. Формирование инновационной политики и стратегии предприятия. – М.: АПК И ППРО, 2009 г., 124-127. Глуценко И.И. Система стратегического управления инновационной деятельностью. – М.: ТОО НПЦ «Крылья», 2006 г., -356 с. Завлин П.Н. Инновационный менеджмент. Справочное пособие. – СПб.: Наука, 1997 г., с. 51-67.; Ильенкова С.Д.

Ўзбекистонда автомобилсозлик саноати корхоналарини инновацион ривожлантириш, тармоқда инновацион жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришнинг назарий-услубий жиҳатлари О.К.Абдурахманов, Б.Х.Тураев, А.А.Гуламов, Н.Йўлдошев, Ш.Зайнутдинов, Р.Нуримбетов, Ш.Мирсаидова, Й.Голдман И.Умаров, С.Саидкаримова, Ш.Облокулова, Ш.Мустафақулов, Т.У.Қодиров, О.М.Умаров, Н.Э.Алимходжаева, А.Ж.Қаҳҳоров, А.А.Абдумавлонов, Б.Б.Холов ва бошқаларнинг асарларида тадқиқ этилган<sup>9</sup>.

Аммо юқоридаги олимларнинг ишлари автомобилсозлик саноатини ривожлантиришнинг умумий назарий-услубий асосларини ёритишда муҳим илмий манба сифатида хизмат қилсада, мамлакатда автомобиль саноатининг ривожланиш тенденциялари, соҳада инновацион жараёнларнинг устувор йўналишларини аниқлаш, автомобиль саноати корхоналарида инновацион жараёнлари бошқарувининг турли жиҳатларини чуқур тадқиқ этиш, инновацион жараёнларни янада такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш масалалари кам ўрганилган. Бу эса тадқиқот йўналишини белгилашда асос сифатида хизмат қилди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги** Диссертация Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари ва Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ ПЗ-20170928153-сонли “Корхоналарни инновацион ривожлантириш шароитида вертикал интеграциядан самарали фойдаланиш йўллари” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

---

Инновационный менеджмент. – М.: Банки и Биржи, ЮНИТИ-ДАНА, 2007.; Медведев В. Инновации как средство обеспечения конкурентоспособности организации. – М.: Магистр, 2009 г., 160 с.; Погребняк Е.В., Белоусов А.Р., Кузнецов Б.В. Автомобильная промышленность России: Состояние и перспективы. Монография. – М.: Альпина Паблишер, 2002 г., - 252 с.; Твисс Б. Управление научно-техническими нововведениями. – М.: Экономика, 1989 г., 272 с. Тебекин А.В. Инновационный менеджмент. – М.: Юрайт, 2012, 476 с.; Тебекин А.В., Касаев Б.С. Менеджмент организации. – М.: КноРус, 210. Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент. – СПб.: Питер, 2005.

<sup>9</sup> Абдурахманов О.К., Тураев Б.Х., Гуламов А.А., Зайнутдинов Ш.Н. Инновацион салоҳиятни ошириш стратегияси. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №1, сентябрь 2011; Йўлдошев Н.Қ., Мирсаидова Ш.А., Голдман Й.Д. Инновацион менежмент – Т.: ТДИУ. Дарслик 2011. 286-б.; Нуримбетов Р.И. <http://www.biznes-daily.uz/ru/gazeta-birja/47582--innovatsion-salohiyat--zamonaviy-iqtisodiyotni-rivojlantirish-poydvor/>; Умаров И., Саидкаримова С., Облокулова Ш. Саноат корхоналарининг инновацион салоҳияти кўрсаткичлари таҳлили. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2015 йил.; Мустафақулов Ш. Худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ва инновацион салоҳиятига баҳо беришнинг мавжуд услублари таҳлили. //Молия ва банк иши электрон илмий журнали, 3-сон апрель, 2016 5-16 б. Қодиров Т.У. Автомобиль транспорти рақобатдошлиги: ташкилий-иқтисодий механизмлар. Монография. – Т.: Фан ва технология, 2014. - 175 б.; Қодиров Т. Транспорт тизимининг ривожланиш ҳолати таҳлили ва унинг иқтисодий ўсишдаги ўрнини баҳолаш. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь – февраль, 2014 йил.; Умаров О.М. Ўзбекистонда автомобилсозлик саноатини ривожланиш динамикаси. // Иқтисодиёт ва таълим, 2017 йил № 2 сон, 156161-б. ; Холов. Б.Б. Ўзбекистонда ички туризмни такомиллаштиришда транспорт хизматларининг аҳамияти. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2015 йил.; Абдумавлонов А.А. Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналаридаги лойиҳалар бўйича устувор йўналишларни аниқлашда иерархик таҳлил усулидан фойдаланиш динамикаси. // Иқтисодиёт ва таълим, 2017 йил № 2 сон, 162-165-б.; Алимходжаева Н.Э., Қаҳҳоров А.Ж. Автомобиль транспорти тизимида инновацион маркетинг потенциалини тадқиқ қилиш ва баҳолаш. // Иқтисодиёт ва таълим, 2017 йил № 2 сон. 89-94-б.;

**Тадқиқотнинг мақсади** автомобиль саноати корхоналарида инновацион бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

инновацион иқтисодийга ўтиш шароитида саноат корхоналарида инновацион жараёнларни бошқариш (ИЖБ)нинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини асослаш;

Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналарида инновацион жараёнларни бошқаришга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва таснифлаш;

автомобиль саноати корхоналарида ИЖБнинг илғор хорижий тажрибаларини Ўзбекистонда қўллаш бўйича илмий тавсия ҳамда таклифлар тайёрлаш;

миллий автомобилсозлик корхоналарида ИЖБни таҳлил қилиш ҳамда самарадорлиги мезонларини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда автомобиль саноати корхоналарида инновацион жараёнларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тартибга солиш механизмини баҳолаш;

автомобиль саноати корхоналарида ИЖБни ривожлантиришнинг миллий стратегиясини яратишга ёндашув ва истиқболларини прогнозлаш модели ҳамда алгоритминини ишлаб чиқиш;

автомобилсозлик корхоналарида ИЖБ самарадорлигини ошириш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноати корхоналари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** автомобиль саноати корхоналарида инновацион жараёнларни бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, экстраполяция, эксперт баҳолаш, статистик ва эконометрик моделлаштириш усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва меҳнатни ташкил этиш йўналишларини балл тизими асосида ҳар бир кўрсаткичнинг ҳақиқий ва норматив қийматлари ўртасидаги нисбатни тавсифловчи коэффициентларга (1-гуруҳ учун:  $y_{ичмэ} = 0,7$ , 2-гуруҳ учун:  $y_{мтэ} = 0,3$  балл) асосланган ҳолда миллий автомобилсозлик саноати корхоналарида инновацион бошқариш самарадорлигининг меҳнат, ишлаб чиқариш ва бошқаришни ташкил этиш(МИЧБТЭ)ни комплекс баҳолаш мезони ишлаб чиқилган;

тармоқдаги илмий тадқиқот ва моддий ишлаб чиқариш ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқлик ҳамда улар орасидаги тесқари алоқаларни эътиборга олган ҳолда соҳа ривожланишининг истиқболли прогноз қилиш имкониятини берувчи миллий автомобилсозлик саноатининг инновацион салоҳиятини асослаш модели таклиф қилинган;



илғор хорижий тажриба (CRM, PR & SMM, E-Commerce) асосида миллий автосаноатнинг мижозлар билан ўзаро муносабатлари, ижтимоий медиа ва тармоқ маркетингининг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда соҳани янада либераллаштириш, халқаро бозорлар сегментига мустаҳкам кириб бориш ҳамда тизимдаги ажратма ва солиқларнинг ҳар бир турини қайта кўриб чиқиш асосланган;

инновацион жараёнларни самарали бошқариш, глобал автомобилсозлик саноатига илмий-технологик жиҳатдан интеграциялашувини чуқурлаштириш, миллий ишлаб чиқарувчилар ва автомобиль ускуналари истеъмолчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда автомобиль паркини маҳаллий маҳсулотлар билан янгилашга қатъий йўналтирилган саноат сиёсатини олиб боришнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

ривожланган хорижий давлатлар автомобилсозлик корхоналарида самарали қўлланилаётган CRM, PR & SMM ва E-Commerce инновацион бошқариш усуллари таҳлил қилинган ҳолда “Ўзавтосаноат” АЖ тизимидаги корхоналарга татбиқ этиш бўйича илмий-амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган;

автомобиль саноати корхоналарида инновацион бошқариш самарадорлигини оширишда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш ҳамда инвестиция механизмларидан фойдаланиш йўллари асосланган;

автомобилсозликда инновацион бошқаришни ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилиб, миллий автомобиль саноати тармоғининг ривожланиш истиқболини прогнозлаш модели ва алгоритми таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги** қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялардан республикамиз минтақаларида автомобиль саноати корхоналарида ИЖБни такомиллаштиришга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга ошириш, соҳани ривожлантиришга мўлжалланган давлат ва минтақавий дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти автомобиль саноатида ИЖБни такомиллаштиришнинг таклиф этилган ташкилий-иқтисодий механизмларидан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, “Ўзавтосаноат” АЖ тизимидаги субъектлар фаолиятида фойдаланиш мумкинлиги, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш бўйича чоратadbирларни ишлаб чиқишга муайян даражада хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Автомобиль саноати корхоналарида инновацион жараёнларни бошқаришни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этиш йўналишларини балл тизими асосида МИЧБТЭни комплекс баҳолаш мезони GM-Uzbekistan қўшма корхонаси фаолиятига жорий этилган (“Ўзавтосаноат” АЖнинг 2020 йил 25 ноябрдаги 17/04-25-1702-сонли маълумотномаси). Таклифни амалиётда қўллаш натижасида автомобиль саноати корхоналарида инновацион жараёнларнинг такомиллашувига эришилган;

тармоқдаги илмий тадқиқот ва моддий ишлаб чиқариш ўртасидаги тўғридан-тўғри боғлиқлик ҳамда улар орасидаги тескари алоқаларни эътиборга олган ҳолда соҳа ривожланишининг истиқболли прогноз қилиш имкониятини берувчи миллий автомобилсозлик саноатининг инновацион салоҳиятини асослаш модели “Ўзавтосаноат” АЖ тизимидаги субъектлар фаолиятига жорий этилган (“Ўзавтосаноат” АЖнинг 2020 йил 25 ноябрдаги 17/04-25-1702-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларни амалиётда қўллаш натижасида соҳа корхоналаридаги ИЖБ самарадорлигини янада ошириш имкони эришилди;

илғор хорижий тажриба (CRM, PR & SMM, E-Commerce) асосида миллий автосаноатнинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилган таклифлар “Ўзавтосаноат” АЖ тизимидаги корхона ва ташкилотлар фаолиятига жорий этилган (“Ўзавтосаноат” АЖнинг 2020 йил 25 ноябрдаги 17/04-25-1702-сонли маълумотномаси). Бу таклифни амалиётда қўллаш натижасида автомобиль саноати корхоналарида инновацион жараёнларнинг такомиллашувига эришилган ҳамда рентабеллик, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, экспорт ҳажмини ошириш ва маҳсулот баҳоси пасайишига қўшимча имкониятлар яратган;

соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлашда автомобиль паркини маҳаллий маҳсулотлар билан янгилашга қатъий йўналтирилган саноат сиёсатини олиб боришнинг мақсадга мувофиқлиги бўйича таклифлар “Ўзавтосаноат” АЖ тизимидаги корхона ва ташкилотлар фаолиятга жорий этилган (“Ўзавтосаноат” АЖнинг 2020 йил 25 ноябрдаги 17/04-25-1702-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тавсияларнинг амалиётда қўллаш туфайли автомобиль саноати корхоналарида инновацион жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш механизмлари такомиллашувига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация ишининг асосий мазмуни ва натижалари бўйича жами 9 та илмий иш, шу жумладан 2 таси хорижий ва 3 таси ОАК эътироф этган маҳаллий журналларда, 4 та мақола бошқа илмий журнал ва тезислар тўпламларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 148 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Автомобиль саноати корхоналарида инновацион жараёнларни бошқаришнинг назарий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида корхоналарда ИЖБнинг мазмун ва моҳияти, автомобилсозлик корхоналарини барқарор ривожлантиришда ИЖБга ёндашувлар хусусиятлари, илғор хорижий тажрибалар таҳлил қилиб ўтилган.

Инновация тушунчасининг замонавий талқини юқори самарадорликка эга янгилик, шунингдек, инсон интеллектуал фаолияти, унинг ижодий жараёни, янгиликлари ва кашфиётларининг аввалги объектлардан фарқли равишдаги якуний натижаси ҳисобланади.

Тадқиқотда таъкидланишича, корхона фаолиятини инновацион бошқариш ўз ичига стратегик ва тактик мақсадларни қўйиш, стратегиялар тизимини ишлаб чиқиш, ноаниқлик ва рискларни эътиборга олган ҳолда унинг истиқболини прогнозлаш, инновацион ва инвестицион портфелларни шакллантириш, стратегик ва оператив режалаштириш, илмий ишланмаларни яратиш, жорий этиш ва ишлаб чиқариш, оператив бошқарув ва назорат қилиш, ташкилий тузилмаларни такомиллаштириш, ходимларни бошқариш, инновацион лойиҳани танлаш ва самарадорлигини баҳолаш, бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнлари, бозор конъюнктураси, рақобат ва рақобатчилар хулқ-атворлари, бозор бўшлиқларини излаш, инновацион маркетинг стратегия ва тактикасини ишлаб чиқиш, сотиш каналлари шаклланишини бошқариш, янгилик, кашфиётларни бозорга олиб кириш, корхона инновацион стратегиясини шакллантириш, рискларни йўқотиш, диверсификациялаш сингари мураккаб жараёнларни қамраб олади.

Жумладан, автомобилсозлик корхоналарида юқоридаги ҳар бир босқичда инновацион ёндашувларни қўллаган ҳолда маркетингни амалга ошириш, соҳада инновацион жараёнлар такомиллашувига олиб келади. Жаҳон амалиётига кўра, автомобилсозлик корхоналарида сотиш суръатларининг пасайиши, омборларда тайёр маҳсулотлар тўпланиб қолиши ва рақобатчилик кескинлашувига олиб келади.

Автомобилларни янгилашда менежерлар янги харидорларни жалб этиш ва истеъмолни интенсифлаштириш учун автомобилларнинг хусусиятлари, сифати, ташқи кўринишини такомиллаштирадилар, автомобиллар сифати ва умр давомийлиги, ишонччилик, тезлик ва дид каби функционал хусусиятларини яхшилаш стратегиясини қўллайдилар.

Таҳлилларга кўра, дунё автомобилсозлигида кичик ишлаб чиқарувчиларга айрим бутловчи қисмлар ва вазифаларни узатиш тенденцияси кузатилмоқда: илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланма (ИТТКИ) қисмлари, дизайн, унификация, тизим ва модулларни йиғиш. Бундай ўзгаришлар автомобиль ишлаб чиқарувчиларга унумдорликни ошириш, таннархни пасайтириш ва автомобиллар сифатини ошириш имконини беради.

Дунё автомобилсозлиги кўрсаткичлари таҳлили кейинги йилларда жаҳон молия тизимида юзага келган ҳолатлар ва салбий тенденциялар туфайли дунё автомобиль бозори тўйиниш чегарасидадир. ЈАТО халқаро ташкилоти томонидан дунёнинг 57 та мамлакати автомобиль бозорларидаги ўтказилган таҳлилларга кўра, 2019 йилда 44,03 млн. та автомобил сотилган бўлиб, 2018 йилда бу кўрсаткич 42,49 млн.тани ташқил қилган ва ўтган йилга нисбатан ўсиш 3,6 фоизни ташкил этган.

### 1-жадвал

#### 2020 йилда дунё автомобиль бозорида энг кўп автомобиль сотилган мамлакатлар<sup>10</sup>

№	Мамлакат номи	Сотилган автомобиллар сони	2019 йилга нисбатан ўсиш, +/- %да
1.	Хитой	19 790 000	- 2,0
2.	АҚШ	14 451 000	- 15,0
3.	Япония	3 810 000	-11,0
4.	Германия	2 918 000	-19,0
5.	Ҳиндистон	2 455 000	-18,0
6.	Бразилия	1 955 000	-27,0
7.	Жанубий Корея	1 855 000	+5,0
8.	Франция	1 650 000	-24,0
9.	Буюк Британия	1 631 000	-28,0
10.	Россия	1 599 000	-9,0
11.	Канада	1 586 000	-20,0
12.	Италия	1 381 000	-27,0

Шунингдек, юқоридаги 1-жадвалда 2020 йилда дунё автомобиль бозоридаги энг салоҳиятли 12 та мамлакатларнинг статистик маълумотлари келтирилган. 2020 йилда автомобилларнинг энг кўп сотилиш ҳажми, мутлоқ ўсиш бўйича юқори улуш Хитойга (19,79 млн.), АҚШ (14,51 млн), Япония (3,8 млн.)га тўғри келган бўлса, 2019 йилга нисбатан Россия, Жанубий Кореядан ташқари (+5,0%), барча давлатларда 2-28 фоиз ўртасида пасайиш бўлган.

Таҳлилларга кўра, ривожланган мамлакатлар ЯИМда автосаноатнинг улуши атиги 3 фоизни ташкил қилса-да, саноати ривожланган давлатлар иқтисодиётида мазкур тармоқнинг аҳамияти сезиларлича юқори саналади. Айниқса саноат ва транспорт ривожланишида аҳамияти катта бўлиб, АҚШ ялпи саноат маҳсулотида автомобилсозлик улуши 14-15, юк айланишида эса 40 фоиздан юқоридир. Ўзбекистонда автомобилсозлик саноатининг мамлакат

<sup>10</sup> <http://greenway.icnet.ru/cars-sales-actual-world.html> асосида муаллиф ҳисоб-китоблари

ЯИМдаги улуши 6,6 фоиз ва ялпи саноат маҳсулоти ҳажмида эса 11,7 фоизни ташкил қилади.

2019 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 26,8 трлн.сўмни, тармоқ маҳсулотлари экспорти 59 млн.АҚШ долларини, енгил автомобиллар экспорти эса 24 млн.АҚШ долларини, автобус ва юк машиналари экспорти 21 млн.АҚШ долларини ташкил қилди. 2019 йилда республикамизга умумий ҳажми 35,4 млн.АҚШ долларига тенг 2,8 минг енгил автомобиль импорт қилинди.

Ўзбекистон автомобилсозлик саноати автомобиль моделлари маънавий эскирган бўлиб, ҳаётининг даври ўртача 10-11 йил ва автомобиллашув даражаси 1000 кишига 75 бирликдан тўғри келади. Автомобиллашув ёки аҳолининг автомобиллар билан таъминланганлик даражаси пастлиги маҳсулот сотиш тизимида жиддий муаммолар, хусусан, имтиёзли автокредитлаш тизими такомиллашмаганидан далолат беради.

Битта моделнинг ишлаб чиқариш меъёри йилига 100 минг автомобиль бўлгани ҳолда, кичик ишлаб чиқариш ҳажмлари 35 мингдан ҳам камни ташкил қилмоқда, бу эса битта автомобиль ишлаб чиқарувчининг зарарсизлик нуқтаси даражасигача эришиш имконини бермайди. Шунингдек, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар таннархини қимматлаштиради ва маҳаллийлаштириш лойиҳалари самарасизлигига олиб келади.

2020 йил 1 январь ҳолатига автомобиль маҳсулотининг потенциал импорти ҳажми 5 фоиздан ошмайди ва истиқболда МДХ мамлакатлари брендларининг Ўзбекистонга фаол кириб келиши, мавжуд автомобиль моделлари янгиланмаслиги, нотариф импорт тўсиқлари, имтиёзли автокредитлашдек давлат томонидан қўллаб-қувватлашдан босқичма-босқич воз кечилиши натижасида 25-30 фоизгача ошиши мумкин.

Шунингдек, автомобилсозликнинг ривожланиши малакали муҳандис кадрлар етишмаслиги, истиқболли инновацион технологияларни яратиш ва жорий этиш бўйича зарур илмий салоҳият мавжуд эмаслиги билан ҳам чекланган. Бундан ташқари, тадқиқот ва ишланмаларни рағбатлантириш бўйича давлат дастурлари оқсаётганлиги, замонавий тадқиқот ускуналари билан жиҳозланган лабораторияларнинг етарли эмаслиги сабабли хусусий инжинирингнинг ривожланиш даражаси ҳам пастлигича қолмоқда. Тармоқ бозоридаги ягона йирик иштирокчи – “Ўзвотсаноат” АЖнинг мулкдори давлат саналади, бу эса тармоқнинг инвестицион жозибадорлигини пасайтиради.

Тадқиқотларга кўра, республикамизда сўнгги йилларда мазкур соҳада мавжуд салбий ҳолатларни бартараф этишга қаратилган бир қатор чоратadbирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилиши натижасида автомобилсозликда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва турдош саноат тармоқлари билан кооперацияни ривожлантириш мақсадида 2025 йилда республикамизда йилига 35 млн. АҚШ доллари миқдоридаги валютани тежаш имконини берувчи “Тошкент металлургия заводи” АЖ негизида пўлат прокатини, Ангрен резинотехника заводида автомобиль шиналарини, “Ўзиккимламчиранглиметалл” негизида иккиламчи алюминийдан алюминий деталларни, “Ўзкимёсаноат” АЖда эпоксид, меламина ва алкид смолаларини, “Навоийазот” АЖда эса



поливинилхлоридни ишлаб чиқариш лойиҳаларини ўзлаштириш режалаштирилган.

Айниқса, миллий автомобилсозлик саноати маҳсулотларини халқаро меъёрларга яқинлаштириш, автомобилларни Евро-5 ва БМТнинг ЕЭК экология меъёрий талабларига мослаган ҳолда ишлаб чиқаришга қаратилмоқда. Бу чоратадбирлар натижасида автомобиллар билан таъминланганлик даражаси ҳар 1000 кишига нисбатан 116 тагача ошади, ҳамда дастлабки 5 йил мобайнида “А” ва “В” синфдаги бюджет синфидаги автомобиллар баҳоси 10 минг АҚШ долларгача бўлади. Аҳоли, айниқса ўрта синфдаги аҳоли қатлами сони ошиши натижасида “В/С” ва “SUV” синфдаги автомобиллар баҳоси 15 минг АҚШ долларгача кўтарилади.

Демак, автомобиль саноатида ИЖБнинг асосий хусусияти барча жараёнларда маркетинг мажмуаси мавжуд эмаслиги бўлиб, нафақат автосаноат, балки умуман иқтисодиёт учун ривожланиш сценарийларини аниқ ва махсус ҳисоб-китобларсиз қилиш қийин ва бунда албатта нафақат ўзбек автосаноатининг узоқ муддатли тараққиёт стратегияларини ишлаб чиқиш, балки умуман иқтисодиёт ривожланишини прогноزلаш, давлатнинг мазкур соҳани ривожлантириш бўйича аниқ позицияларини шакллантириш лозим.

Диссертациянинг **“Миллий иқтисодиётда автомобиль саноати корхоналарида ИЖБнинг замонавий ҳолати таҳлили”** деб номланувчи иккинчи бобида миллий автомобиль саноати корхоналарида ИЖБ ва ташкил этиш таҳлили, автомобиль саноати корхоналарида ИЖБ самарадорлиги мезонлари ҳамда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш механизмини баҳолаш масалалари асосланган.

Тадқиқотда таъкидланишича, кескин рақобатчилик шароитида Ўзбекистонда иқтисодий ривожланган давлатларга нисбатан етарлича самарали инновацион фаолиятни ташкил қилиш масалалари қийин кечмоқда. Миллий корхоналарда инновацияларни ўзлаштириш тажрибаси етарли эмаслиги, асосан кўп йиллар давомида Ўзбекистон корхоналарининг режали иқтисодиёт ва кейинчалик ўтиш даври шароитида ишлаганлиги билан ифодаланади.

Республика корхоналарининг инновацион ривожланиши, инновацион иқтисодиётни шакллантиришга мослашишининг асосий муаммолари, хусусият ва тенденциялари таҳлили корхоналар рақобатбардошлигини ошириб, уларнинг фаолият самарадорлигини, инновацион ривожланишини бошқаришни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш имконини беради.

Маҳаллий автомобилсозлик саноатини ривожлантириш концепцияси – давлат томонидан автомобилсозлик комплексини замонавий автомобиль технологиялари билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишга уриниш бўлиб, бу эса ўз навбатида, иқтисодиётнинг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатиши, шунингдек, аҳолининг ҳаёт даражаси сифатига ҳам таъсир қилиши мумкин. Бу муаммони ҳал этишнинг устуворлиги автотранспорт паркиннинг жорий ҳолати бўлиб, унга кўра экологик ва йўл ҳаракати хавфсизлиги мезонларига мувофиқ, юк ташишдаги 77 фоиз, йўловчиларни ташишдаги 53 фоиз транспорт воситалари фойдаланишга яроқсиз ҳолатдалиги.

Шунингдек, автосаноат соҳасида беқарор ва тез ўзгарувчан бозор иқтисодиёти имкониятларидан самарали фойдаланиш, глобал автомобилсозлик саноатига интеграциялашув, миллий ишлаб чиқарувчилар ва автомобиль ускуналари истеъмолчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишга асосланган автомобиль паркини маҳаллий маҳсулотлар билан янгилашга қатъий йўналтирилган саноат сиёсатини олиб бориш мақсадга мувофиқ.



**1-расм. Автомобилсозликда янги лойиҳаларни режалаштириш ва бошқариш механизми<sup>11</sup>**

Автосаноат корхоналарини ривожлантириш муаммосини ҳал этишда рақобатдош маҳсулотлар ва автомобиллар ишлаб чиқариш билан боғлиқ жараённинг технологик даражасини оширувчи, илмий тадқиқот ва ишланмаларни кўриб чиқиш лозим. Илмий тадқиқотлар(ИТИ)нинг мақсади – янги хусусиятларга эга маҳсулот турини яратиш, яъни соҳада инновацияларни амалга ошириш.

1-расмда автомобиль саноати фирмасининг стратегияси, сиёсати, бозор талаблари ва ИТИларни бошқариш, шу жумладан, илмий тадқиқот ва лойиҳаларни режалаштириш, бошқариш ва амалга оширишнинг ўзаро боғлиқлиги акс этган. XX аср охирида миллий автомобилсозлик саноатига асос

<sup>11</sup> Муаллиф ишланмаси.


солиниши билан Ўзбекистонда Россияда ишлаб чиқарилган шу вақтдаги автомобиль ишлаб чиқарувчилари ўз маҳсулотларини сотиш муаммосига дуч кела бошладилар.

Муаллифнинг фикрича, бунинг асосий сабаби – республикада эндиликда ихчамлиги, қулайлиги, нисбатан арзонлиги билан ажралиб турувчи миллий автомобиллар ишлаб чиқаришнинг бошланиши билан боғлиқ бўлса, *иккинчи томондан*, миллий автосаноатни ташқи таъсирлар, яъни импорт тазйиқидан сақлаш учун протекционистик сиёсат дастаклари қўлланилиши, яъни хорижий автомобилларга нисбатан божхона божларининг ставкалари оширилиши билан боғлиқ.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам автомобиль саноати ривожланган мамлакатлардаги каби автомобиллар савдосини рағбатлантириш учун турли хил маркетинг дастурлари ишлаб чиқилмоқда, масалан, автомобилларни қисман ёки тўлиқ кредит асосида сотиш, бунда давлат фоиз ставкасининг маълум фоизи тўланиб, автомобилларни лизинг асосида тақдим этиш воситалари қўлланилади.

Бироқ кўп йиллардан бери хорижий давлатларда автосаноатни рағбатлантириш, сотувлар узлуксизлиги, экологик барқарорликни таъминлаш учун савдо ташкилотлари томонидан кенг тақдим қилинаётган хизматларнинг *Trade In* тизимини республикада кенг қўллаш мақсадга мувофиқ. Бу тизимга кўра, янги машинани сотиб олаётганда эски автомобилни алмаштириш таклиф этилади, аммо бу фақатгина ишлаб чиқарилган муддати 3-5 йилдан ошмаган автомобилларга тегишли бўлиб, фойдаланишга яроқсиз ҳолатга келиб қолган машиналар учун қўлланилмайди. Муаллиф эса буни Ўзбекистон шароитида фойдаланилаётганига 7-10 йилдан ортиқ бўлган автомобиллар учун қўллашни тавсия этади.

Қуйидаги расмда ушбу тадқиқот доирасида муаллиф томонидан миллий автомобиль харидорлари орасида ўтказилган социологик сўровнома натижалари беш баллик шкала асосида келтирилган (2-расм).



**2-расм. Автомобиль харидорлари томонидан миллий автомобиллар сифатининг баҳоланиши<sup>12</sup>**

Муаллиф 2-расмда кўрсатилган юқоридаги сўров натижаларини таҳлил қилиб, маҳаллий автомобилларнинг сифат кўрсаткичлари ўртача даражадан

<sup>12</sup> Социологик сўров натижалари асосида муаллиф ишланмаси.

паст деган хулосага келиш мумкин, чунки бу 6 та асосий кўрсаткич бўйича ўртача 2.3 баллни ташкил этмоқда. Таққослаш учун, япон автомобиль ишлаб чиқарувчиларининг худди шу сифат бўйича ўртача кўрсаткичлари 4 баллдан 5 баллгача бўлган ораликда жойлашади.

Сабаби саноати ривожланган мамлакатларда, хусусан, АҚШда умумий бандларнинг қарийб 16-17 фоизи, Эронда 11,39 фоизи<sup>13</sup>, автомобилсозлик ва турдош тармоқларда меҳнат қилса, Ўзбекистонда эса 2019 йил якунларига кўра, 200 минг киши ёки жами бандларнинг 1,5 фоизи автосаноатда банд<sup>14</sup>.

2-жадвалда 2000-2019 йилларда Ўзбекистонда автомобиллар ва деталлар ишлаб чиқариш динамикаси таҳлили келтирилган. Унга кўра, 2000 йилда республикамизда енгил автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажми 30700 донани ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб, 253421 донани ташкил қилган ёки 8,2 мартага ошган.

Шунингдек, автобуслар ишлаб чиқариш қарийб 3 мартагача ошиб, 2000 йилдаги 483 ўрнига 2019 йилда 1512 донани ташкил этган.

Бундан ташқари, юк автомобилларини ишлаб чиқариш 2000 йилда 102 донани ташкил қилган ва 2019 йилга келиб, 5052 донага етган ёки юк машиналари ишлаб чиқариш қарийб 50 мартагача ошган.

Таҳлилларга кўра, 2000 йилда ҳар 1000 аҳолига нисбатан автомобиллар билан таъминланганлик 49 тани ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб, аҳоли сони деярли 4-5 млн. кишига ўсган бўлса-да, бу кўрсаткич 20 тага ошиб, 69 та автомобилни ташкил қилган<sup>15</sup>.

## 2-жадвал

### 2000-2019 йилларда Ўзбекистон Республикасида автомобиллар ва деталлар ишлаб чиқариш динамикаси<sup>16</sup>

Номи	Ўлчов бирлиги	2000 й.	2005 й.	2015 й.	2018 й.	2019 й.
Енгил автомобиллар	дона	30 700	101 010	185 350	220 667	253 421
Автобуслар	дона	483	199	754	949	1 512
Юк автомобиллар	дона	102	57	4 406	4 232	5 056
Автомобиллар учун аккумуляторлар	минг дона	-	173	631400	764800	732300

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар қандай инновацияларни жорий этиш ёки компания ва унинг исталган бир тузилмасида инновацион жараёнларни такомиллаштириб бориш муайян бир сарф-харажатларни талаб этади.

“Ўзавтосаноат” АЖ тизимида йилдан йилга инновацион жараёнлар кенгайиб, айнан уларга сарфланган харажатлар 2000 йилда 11 млн. 741 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2019 йилга келиб, қарийб 50 мартагача ошиб, 528 млн. 777 минг сўмни ташкил этган. Бу эса айнан автомобилсозлик

<sup>13</sup> Сабири Б. Характеристика, место и роль автомобильной промышленности в современной структуре машиностроения Ирана. Вестник РУДН. Серия: Экономика. 2017. Т. 25. № 3. С. 405-416

<sup>14</sup> [http://web.stat.uz/open\\_data/uz/Labor%20market\\_uzb.pdf](http://web.stat.uz/open_data/uz/Labor%20market_uzb.pdf) ва

<sup>15</sup> Муаллиф ҳисоб-китоблари.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

тармоғида йилдан-йилга технологик, маркетинг, ташкилий инновацияларга харажатлар ортиб, илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланма(ИТТКИ)лари бўйича ишлар жадал амалга оширилаётганидан далолат беради.

**ALixPartners** АҚШ консалтинг фирмаси томонидан эълон қилинган маърузага кўра, дунёда автомобиль инқирози жадаллашиб келаётган бўлиб, 2018 йилда сотувлар ҳажми қисқариши энг йирик 3 та Хитой, АҚШ ва Европада кузатилди. Хитойда сотувларнинг қисқариши 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 6 фоизни, Германияда 10 фоизни ташкил қилди.

2019 йилнинг биринчи чорагидаёқ автомобилларнинг глобал сотуви ҳажми 5,5 фоизга, иккинчи чоракда Германияда 13 фоизга пасайди. Асосан “Даймлер”, “Фольксваген”, “Женерал моторс” ва “Форд” компанияларида сотувлар жуда кучли пасайган. 2020 йилда глобал COVID-2019 пандемияси сабабли 15 фоизгача пасайиш эҳтимоли мавжуд. Ҳолбуки, Хитойда 2018 йилда 27 млн. автомобиль сотилган бўлса, 2019 йилда 25 млн.таси сотилган ва бу тенденцияни 2023 йилгача давом этиши кутилмоқда<sup>17</sup>.

Муаллифнинг фикрича, дунё автомобиль бозоридаги салбий тенденцияларга йирик ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи давлатлар – Хитой, ЕИ, мамлакатларида иқтисодий ўсишдаги пасайиш суръатлари, АҚШ томонидан дунёнинг кўпгина давлатларига нисбатан киритилган турли санкциялар, жаҳонда 2019 йил охирида бошланган глобал COVID-2019 пандемияси асосий сабаб ҳисобланади, чунки дунё автомобиль ишлаб чиқариши улушининг 25 фоизи айнан Хитойга тўғри келади ҳамда пандемия барча мамлакатларда оммавий карантин ҳолатларини келтириб чиқарди.

Экологик талабларнинг кучайиши ва “яшил автомобиллар” га ўтилиши ҳисобига 2017-2019 йилларда дунёда 16 та автомобиль заводлари қисқариб, 120 мингдан ортиқ қишилар иш ўринларини йўқотдилар. 2021 йилда эса, электрокарларнинг 30 та янги моделлари ишлаб чиқарилиб, глобал бозорнинг қисқариши ҳисобига улар ўзларини қоплаши жуда қийин бўлади.

Айрим ҳисоб-китоб ва прогнозларга кўра, оммавий равишда таксилар хизматидан фойдаланиш, автомобиллардан жамоавий фойдаланишнинг *каршеринг* сингари шаклларида оммавий фойдаланишга ўтилса, яқка автотранспорт воситаларидан воз кечиш жараёни юз бериб, дунё автомобил-созлиги яқин истиқболда жиддий муаммоларга дуч келиши мумкин.

Муаллифнинг фикрича, бугунги кунда дунёда юз бераётган COVID-2019 пандемиясининг инқирози туфайли ҳам бу рақам яна кўпайиши ёки нафақат бошқа автомобилсозлик компанияларида, балки бошқа тармоқ компанияларида ҳам маҳсулотлар ишлаб чиқариш, сотув ҳажмлари камайиб кетиши мумкин.

Диссертацияда таъкидланишича, миллий автомобиль ишлаб чиқариш самарадорлиги пастлиги ИЖБни баҳолашнинг янги мезонларини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли, ИЖБ самарадорлигининг бундай мезони маҳаллий автомобилсозлик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг оқилона шакл ва усулларига ўтишни тақозо этади. ИЖБ

---

<sup>17</sup> В.Абатуров. Автомобильные вызовы. “Экономическое обозрение” журналы 2019йил № 9, С.67-71.



самарадорлиги мезонини асослаш учун муаллиф автомобиль саноати корхоналарида МИЧБТЭни комплекс баҳолашни таклиф этади.

МИЧБТЭ мезони даражаси балл тизимида ҳисобланади. Кўрсаткичларнинг икки гуруҳи ажралиб туради: биринчиси, ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражасини (*технологик жараёнларнинг ишончилиги, энергия манбаларидан фойдаланиш ва бошқалар*) тавсифлайди; иккинчиси, меҳнатни ташкил этиш даражасини тавсифловчи (*иш вақтидан фойдаланиш, ходимларнинг умумий ва техник малакалари ва бошқалар*).

Ҳар бир кўрсаткич бўйича унинг ҳақиқий (ҳисобот) ва норматив (базавий) қийматлари ўртасидаги нисбатни тавсифловчи коэффициент аниқланади.

Биринчи гуруҳ кўрсаткичлари учун  $y_{учмэ} = 0,7$  балл коэффициенти, иккинчи гуруҳ учун эса  $y_{мтэ} = 0,3$  белгиланади.

МИЧБТЭ даражасининг умумий коэффициенти (*маълум бир давр учун*) барча коэффициентлар йиғиндисини (*балл қийматини ҳисобга олган ҳолда*) уларнинг сонига бўлишнинг хусусий ҳоли сифатида ҳисобланади, яъни:

$$K_{\Sigma} = \frac{\sum_{i=1}^n K_{i_{учмэ}} y_{учмэ}}{n} + \frac{\sum_{i=1}^m K_{i_{мтэ}} y_{мтэ}}{m} \quad (1)$$

бу ерда:  $K_{i_{учмэ}}$  - биринчи гуруҳ кўрсаткичлари учун коэффициентлар  $i = 1$  дан  $i = n$  гача;  $K_{i_{мтэ}}$  - иккинчи гуруҳ учун бир хил  $i = 1$  дан  $i = m$  гача.

Автосаноат корхоналари учун МИЧБТЭ миқдорини аниқлаш натижаларига кўра, қуйидаги коэффициентларга таъсир этувчи чоратадбирларни ишлаб чиқиш тавсия этилади:

а) *ишлаб чиқариш даражасини тавсифловчи* – меҳнат унумдорлиги омиллари, ишлаб чиқариш линияларининг ишончилиги, энергия ресурсларининг йўқотилиши, ишлаб чиқариш технологияларининг сифати, шикастланишлар, доимий харажатлар;

б) *меҳнатни ташкил этиш даражасини тавсифловчи* – иш вақти, меҳнат интизоми, меҳнат интенсивлиги, ишчиларнинг умумий ва технологик малакаси, муҳандис-техник ходимларнинг малакаси, ходимлар ва меҳнатнинг барқарорлиги, хавфсизлик чораларини ҳимоя воситалари билан таъминлаш, ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш, ташкилий инновациялар ва кичик механизациялаш, таъмирлашга тайёргарлик, таъмирловчи ходимларни меъёрланган ишлар билан таъминлаш ва улар меҳнатини механизациялаш, ишлаб чиқаришни режалаштириш, тежамкорлик ишлари.

МИЧБТЭ даражасидаги кўрсаткичлардан автомобилсозлик корхоналари ходимларини моддий рағбатлантириш тизимида фойдаланиш тавсия этилади.

Демак, ҳозирги кунда автомобилсозлик корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш зарурлиги ва уни экспертлар томонидан баҳоланиши тўғрисидаги масалани муҳокамага қўйиш мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, мижозларнинг ишончсизлиги ҳам шу вақтгача “Ўзавтосаноат” АЖнинг марказий муаммоларидан бўлиб, сотувнинг шаффоф эмаслиги ва юқори баҳолар, узоқ муддатли етказиб бериш ва тесқари алоқа этишмаслиги ҳам асосан компания фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунингдек, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси жуда паст бўлиб, атига 47 фоизни ташкил қилади холос. Ўзгарувчан бозор конъюнктураси ва инфляциянинг юқори суръатлари шароитида “Ўзавтосаноат” АЖда иш ҳақи даражасининг ҳамон пастлиги (*ўртача иш ҳақи 1,2 млн сўм*) ишчи ходимларнинг мотивацияси пастлигидан далолат беради.

Бу эса ўз навбатида, корхона даражасида малакали ишчиларнинг, “мия”ларнинг оқиб кетишига олиб келади. Алоҳида таъкидлаш керакки, айнан шу омилларнинг салбий таъсири ўлароқ, “Ўзавтосаноат” АЖда ишчилар меҳнат унумдорлиги жуда паст бўлиб, 1 дона автомобиль ишлаб чиқарилиш вақти 52 соатни ташкил қилади. “Ўзавтосаноат” АЖ фаолиятидаги яна бир “сув ости тошлари”дан бири импортга қарамлиликнинг юқори даражаси саналади. Жумладан, 2019 йилда бутловчи қисмларнинг улушида импорт 80 фоизни ташкил қилди.

Автомобилсозлик саноати корхоналарида корпоратив ИТ-стратегиясини татбиқ этиш учун, аввало, “SAP” (*System Analysis and Programm development*) тизимини жорий қилиш, жараёнларни тартибга солиш, маълумотларнинг шаффофлиги ва ҳаққонийлигини таъминлаш, ягона маълумотлар базасини яратиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, ҳужжатлар айланишини электрон тизимга ўтказиш, ҳисобни автоматлаштириш эвазига харажатларни камайтириш, ҳужжатлар айланишининг электрон тизими ва марказлаштирилган инфратузилмани жорий этиш, ахборот-хавфсизлигини кучайтириш орқали ИТ-ресурсларидан фойдаланишни юқори самарасига эришиш, сервер ва дастур таъминотини бирлаштириш, маълумотларни марказлашган ҳолда сақлаш керак.

Тадқиқотда таъкидланишича, илғор хорижий давлатлар автомобилсозлик саноати корхоналарида инновацион жараёнларни татбиқ этишнинг асосий йўналишларидан ҳисобланган **CRM** (*Customer Relationship Management, миқдослар билан ўзаро муносабатларни бошқариш тизими*) ни, **PR & SMM** (*ингл. Public relationship and Social Media Marketing, омма билан ишлаш жамоатчилиги билан алоқа ва муносабатлар, ижтимоий медиа ва тармоқлардаги маркетинг*)ни ва **E-Commerce** (электрон тижорат) тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ислохотлар ва чора-тадбирлар амалга ошиши натижасида “Ўзавтосаноат” АЖ тизимидаги корхоналарда меҳнат унумдорлиги 50 фоизгача, қўшимча баҳо улушини ошириш 25-50 фоизгача, рентабеллик 5 фоизгача, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва бандлар сони 1,4 мартагача, экспорт ҳажми 5,5 мартагача ошади ва маҳсулот баҳоси 30 фоизгача пасаяди ҳамда Ўзбекистонда аҳолининг автомобиль билан таъминланганлик даражаси ҳар 1000 аҳолига нисбатан 116 тага етади.

Ўзбекистон автомобилсозлик тармоғининг муаммоларидан бир сифатида қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

- *биринчидан*, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар моделларининг маънан эскирганлиги (*ўртача 10-11 йил*), мамлакатни автомобиллашув даражаси эса ҳар 1000 кишига 75 тани ташкил қилади;

- *иккинчидан*, бир моделда ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг йиллик меъёри 100 минг бўлгани ҳолда 35 мингдан камроқ ишлаб чиқарилаётгани

битта ишлаб чиқарувчидан кўпига зарарсизлик нуқтасига эришиш имконини бермайди ва маҳаллийлаштириш лойиҳаларини иқтисодий самарасиз қилиб қўяди;

- *учинчидан*, бугунги кунда автомобиль маҳсулотларининг импорти 5 фоиздан камроқни ташкил қилади ва келгусида давлат томонидан нотариф импорт тўсиқлари, имтиёзли автокредитлаш усуллари билан қўллаб-қувватланмаса, 25-30 фоизгача ошиши мумкин;

- *тўртинчидан*, республикамизнинг географик жойлашуви сабабли экспортни кенгайтириш имкониятлари нисбатан юқори транспорт, божхона ва нотариф тўсиқлари туфайли чекланган (*ўртача автомобиль таннархининг 6 фоизгача, Россияда эса 1 фоиз*);

- *бешинчидан*, миллий ишлаб чиқарувчилар рентабеллиги пастлиги тижорат банкларидан мавжуд қарзларни қоплаш имконини бермайди;

- *олтинчидан*, тармоқ бозоридаги энг йирик ягона иштирокчи – “Ўзаавтосаноат” АЖнинг мулкдори давлат бўлганлиги, тармоқнинг инвестицион жозибадорлигини пасайтиради.

Истиқболда тармоқда рақобатчилик муҳитини ривожлантириш ва автомобилсозлик саноатини жадал тараққий эттириш учун босқичма-босқич равишда “Ўзавтосаноат” АЖдаги, бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар жамғармаларидаги давлат улушини хусусий хорижий инвесторларга сотиш ҳамда тармоқда давлат-хусусий шерикчилик механизмларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

